Qishloq hayoti

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2020-yil 1-yanvar, chorshanba 01 (9038)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мана шу қувончли лаҳзаларда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайман!

Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, мўл ҳосил етиштирдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда.

2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлдилар.

Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди.

Янги-янги боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда.

Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда.

Куни кеча Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар буни яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Мустақиллигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.



Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз.

2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларимизни фаол давом эттирамиз.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтирамиз.

Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилади.

Нуроний фахрийларимиз, мунис опа-сингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтирамиз.

Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз.

Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшниларимиз билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтирамиз.

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!

2020 йил ҳар бир оила, ҳар қайси хонадонга қут-барака, бахт ва омад олиб келсин!

Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# РАҚАМЛАР ЭМАС, НАТИЖА МУҲИМ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охирги иш кунида парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашиб, йил якунларини сарҳисоб қилди, 2020 йилги муҳим вазифаларни белгилаб берди.**

Мамлакатимизда барча соҳаларда дадил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт тармоқларини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ҳудудлар имкониятларини тўла юзага чиқариб, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ташаббус ва таклифлар қўллаб-қувватланиб, молиявий, ташкилий жиҳатлари ҳал қилиб берилмоқда.

Бундай кенг кўламли ишлар натижаси ҳар бир жабҳада сезиляпти. Илгари иложсиздек туюлган масалаларга ечим топилмоқда. Энг муҳими, халқнинг турмуш шароити яхшиланмоқда, оддий одамлар давлатдан, ҳаётдан рози бўляпти.

Юртимиздаги ўзгаришларни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Хусусан, дунёдаги энг нуфузли нашрлардан бири бўлган Буюк Британиянинг "The Economist" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислоҳотларни амалга оширган давлат – "Йил мамлакати" деб эътироф этди.

Шунингдек, Жаҳон банкининг 2019 йилги "Бизнес юритиш" рейтингида ҳам Ўзбекистон энг илғор ислоҳотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Бундай муваффақиятлар 2020 йилда ҳам давомли бўлиши, янада яхшиланиши учун тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларни бажариб, энг юқори натижаларни таъминлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари бугун эришилган натижалар ҳали марра эмаслигини, олдимизда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун 2020 йил синов йили бўлишини таъкидлади.

Йиғилишда 2019 йилда йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, масъул ижрочилар ва муддатларни белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, бевосита жойларга бориб, уларнинг ижросини ташкил қилиш ва доимий назоратни таъминлаш кераклиги қайд этилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 декабрь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий қутладилар.

2019 йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим бўлгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида киришининг тарихий аҳамияти қайд этилди.

Турли даражадаги алоқалар сезиларли фаоллашди, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, истиқболли қўшма лойиҳалар амалга оширилиб, илмий-техник ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Мулоқотда Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар сиёсат, иқтисодиёт, транспорт коммуникациялари, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА**



# Форишда яна 3 та янги боғча иш бошлади

**Жиззах вилояти Фориш туманининг Хонбанди шаҳарчасида 75 ўринли давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган янги мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.**

– Президентимизнинг мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга, бу борада, айниқса, чекка қишлоқларга ҳам эътибор қаратаётганидан биз, ота-оналар беҳад мамнунмиз, – деди Асолат Янгибоева. – Шу эътибор туфайли маҳалламизда замонавий мактабгача таълим муассасаси барпо этилди. Янги муассасада болаларни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш, мактабга тайёрлаш учун барча шароит бор. Энди бизнинг болаларимиз ҳам чет тилларни, мусиқа ва расм чизишни ўрганади, мактабга пухта тайёргарлик билан чиқади.

Шу куни туманда яна иккита мактабгача таълим муассасаси очилди. Кўҳнабозор, Учқулоч қишлоқларида ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган, ҳозирда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган мактабгача таълим муассасалари реконструкциядан сўнг фойдаланишга топширилди. Шу тариқа ҳар икки қишлоқ 150 ўринли замонавий муассасага эга бўлди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Янги – 2020 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан Президентимизга сиҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.**

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин;**

Хитой Халқ Республикаси **Раиси Си Цзиньпин;**

Америка Қўшма Штатлари Президенти **Дональд Трамп;**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби **Антониу Гутерриш;**

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши **Нурсултон Назарбоев;**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев;**

Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон;**

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳамедов;**

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко;**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев;**

Япония Бош вазири **Синдзо Абэ;**

Корея Республикаси Президенти **Мун Чжэ Ин;**

**(Давоми 2-саҳифада)**

Навоий вилояти

Муносабат

**Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мазкур ҳудуднинг бой инфратузилмаси, ер ости бойликлари ҳамда илмий потенциалидан самарали фойдаланиш, маҳаллий ишбилармонлар билан бирга хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда кўплаб янги корхоналар ташкил этиш шахсан давлатимиз раҳбарининг эътиборида турибди.**

# Юртимиз инновацион салоҳиятининг "локомотиви"га айланмоқда

2019 йилда Навоий вилоятининг "Эркин иқтисодий ҳудуд" мақомини олгани ҳам бежиз эмас, албатта. Бу ҳар бир навоийлик қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотибгина қолмай, айни шу даврда туғилиб ўсган заминининг ривожига ҳисса қўшишга ундайди.

Президентимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва қуриб битказилган янги саноат мажмуалари билан танишиш мақсадида ўтган йилнинг 28 декабрь куни вилоятимизга ташриф буюргани Янги йил байрами арафасида биз учун яна бир туҳфа бўлди.

Давлатимиз раҳбари "Навоийазот" акциядорлик жамиятида поливинил-хлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва йиғилганларни Янги йил байрами билан табриклаб, ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқишига ҳисса қўшган қурувчи ва кимёгарларга ҳамда чет эллик ҳамкорларга миннатдорлик билдирди.

**(Давоми 2-саҳифада)**





ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

азиз ватандошларимизни янги – 2020 йил байрами билан самимий қутлайди.

*Кириб келган ушбу йил ҳам юртимиз, ҳар бир юртдошимиз учун омадли, баракали йил бўлсин! Диёримизда ҳамиша барқарор тинчлик, ҳамжиҳатлик, ободлик ҳукм сурсин!*

*Доимо осмонимиз мусаффо, эзгу ишларимиз барорли, дастурхонимиз тўкин бўлсин!*



# "Янгиер" санаторийси фойдаланишга топширилди

Сирдарё вилояти

***Сирдарё вилоятининг шаҳару қишлоқларида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги йил арафасида фойдаланишга топширилган янги турар-жойлар, ҚВП ва оилавий поликлиникаларни ҳам бунга яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин.***

Президентимиз вилоятга ташрифлари чоғида фаолияти бутунлай тўхтаб, яроқсиз ҳолга келиб қолган собиқ "Янгиер" санаторийсини қайта тиклаш таклифини билдиргандилар. "Касаба саноат" МЧЖ ва "Касаба дизайнер" шўъба корхонасининг қўли гул қурувчилари томонидан барпо этилган "Янгиер" санаторийси сирдарёликларга чинакам Янги йил байрами туҳфаси бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан қайта қурилган, бир йўла 250 нафар кишининг дам олиб, даволанишига мўлжалланган беш қаватли сиҳатгоҳни замонавий кошона дейсиз. Шу ернинг ўзида 1620 метр чуқурликдан чиқаётган маъданли сув йод ва бром минералларига жуда бой. Бу ерда асаб, юрак қон-томир, урологик касалликларга чалинган беморлар, шунингдек, гинекологик ва аёллар бепуштлиги бўйича даволанувчилар дардларига даво топадилар.

Даволаш хоналари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Спорт зали, компьютер хонаси, 2,5 мингта китоб фондига эга кутубхона ҳам барпо этилган. Яхлит 33 гектар майдонни эгаллаган сиҳатгоҳда дам олувчилар мириқиб ҳордиқ чиқарадилар. 3000 тупдан ортиқ яшнаб турган дарахтлар уларнинг ҳордиқлари янада мазмунли ўтишига хизмат қилади.

– Сирдарёда шундай замонавий сиҳатгоҳнинг қад ростлашини чинакам мўъжиза дейиш мумкин, – дейди Гулистон шаҳрининг "Аҳиллик" маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Абдували Жамолов. – Авваллари навбат кутиб, дам олиш, соғлигимизни тиклаш учун Фарғона водийси ва Тошкент вилоятидаги санаторийларга борардик. Энди эса ўзимизда бунёд қилинган сиҳатгоҳда бемалол дам оламиз. Бу ердан чиқаётган шифобахш сув ўнлаб касалликларга даво бўлади.

Сиҳатгоҳ очилишига бағишланган тантанада иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Мирзаевлар сирдарёликларни шундай кошонага эга бўлганликлари билан қутладилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**Муҳаммад КАРИМ олган сурат.**









"ШОҲРУД"

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни кўнгилларни завқу шавққа тўлдириб кириб келган 2020 йил билан самимий қутлайди ва янги йилда барчангизга янги-янги зафарлар ёр бўлишини тилайди. Ягона ва мустаҳкам оила бўлган Ўзбекистонимиздан бағрикенг халқимиз хонадонларидан файзу барака, шоду хуррамлик аримасин.

*Янги йилингиз билан, қадрли ватандошлар!*



"НАВОИЙ АВТОЙЎЛ"

ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхонаси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини янги — 2020 йил билан сидқидилдан муборакбод этади. Барчага соғлик-омонлик, оилавий бахт, юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатларида ривож тилайди.

















## Эълонлар

"SINDICAT OF KRYPTON" МЧЖ (СТИР 306413501) таъсисчининг 2019 й. 3 декабрдаги 02 сонли қарорига асосан фаолияти тугатилишини маълум қилади. Даъволар муддати эълон чиққан санадан бошлаб бир ой давомида Тошкент ш. М.Улуғбек т. А.Югнакий мавзеси 43-уй 61-хонадон манзилида қабул қилинади. Тел.: (98) 335-12-42.

"ALLGREEN LIFE" МЧЖ (СТИР 306534422) устав жамғармаси 2 650 298 500 сўм 00 тийиндан 2 426 498 500 сўм 00 тийинга камайтирилаётганлигини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент ш. Яшнобод т. Асалобод 2-мавзеси, 3-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

"TOSHKENT BETON SERVIS" МЧЖ 2019 йил 20 декабрдаги 1 сонли таъсисчининг қарорига асосан устав фондини 951 682 133 (тўққиз юз эллик бир миллион олти юз саксон икки минг бир юз ўттиз уч) сўмдан устав фондини шакллантириш учун қўйилган асосий воситалар сотилганлиги сабабли 737 782 133 (етти юз ўттиз етти миллион етти юз саксон икки минг бир юз ўттиз уч) сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

"ESMESTAR" (СТИР 302178773) МЧЖ ҚК "SK MEDIA" (СТИР 202178214) МЧЖга қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилади. "ESMESTAR" (СТИР 302178773) МЧЖ ҚКнинг барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлари "SK MEDIA" МЧЖга ўтади Тел.: (90) 745-00-37.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ТСРЎИ томонидан 2005 й. 31 октябрда (гувоҳнома 0011509) 001509-04 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган Тошкент ш. Яккасарой т. Гавҳар кўчаси 1-уй манзилидаги "KOMMUNAL TA`MIRLASH VEGA" МЧЖ ягона муассисининг 2019 й. 31 декабрдаги қарори билан тугатилади. Даъволар эълон чиққан санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади. Тел.: (+99899) 834-87-55.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

Сиз "ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"га обуна бўлдингизми?
Ҳали ҳам кеч эмас,
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Тел.: (71) 236-26-50, (71) 233-40-87.
Факс: (17) 233-09-93.
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

**QISHLOQ HAYOTI**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

**Телефонлар:** Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.
**web sayt:** www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

**Вилоятлар:**

| | | |
|---|---|---|
| Андижон | – | (+99893) 630-73-03; |
| Бухоро | – | (+99891) 401-29-59; |
| Жиззах | – | (+99893) 940-10-78; |
| Навоий | – | (+99891) 332-50-99; |
| Наманган | – | (+99893) 948-53-86; |
| Фарғона | – | (+99890) 407-76-03; |
| Самарқанд | – | (+99893) 349-54-39; |
| Сирдарё | – | (+99894) 168-23-60; |
| Сурхондарё | – | (+99890) 520-20-05; |
| Тошкент | – | (+99890) 976-39-58; |
| Хоразм | – | (+99897) 790-47-61; |
| Қашқадарё | – | (+99897) 290-28-88. |

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-125, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди.

**4 917** нусхада чоп этилди.
**НАШР ИНДЕКСИ – 144**
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **20.50**

ISSN 2010-7021
9 772010 702007

**Навбатчи муҳаррир:**
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 156